



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 2 (12.563)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Куролли Кучларимизни ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда сержантлар тайёрлашнинг бутунлай янги тизими жорий этилгани ўз самарасини бераётди.**



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

## МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида соҳанинг барча бўғинлари учун ҳар томонлама етук, интеллектуал салоҳияти юқори, жисмонан ва руҳан кучли кичик командирлар тайёрланмоқда.

Кичик сержант Илҳом Тошматов айна пайтда Тошкент ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактабига таълим олаётди. Мактабнинг фаол курсантларидан бўлган бу йигит ҳарбий қисмлардан бирида шартнома асосида хизмат қилади.

— Ҳарбий давомида ҳали кўп нарсаларни ўрганишим зарурлигини англаб етдим, — дейди у. — Машгулотлар компьютер технологиялари ва кўргазмалар куроллардан фойдаланган ҳолда ўтказилаётгани бизнинг замон талаблари даражасида пухта билим олишимизни таъминламоқда.

Сержантлар тайёрлаш мактабидининг ётоқхона, ўқув хоналари, спорт зали ва майдонларида барча зарур шартнош яратилган. Илмий, ҳарбий ва бадиий адабиётлар, турли қўлланмалар, шунингдек, даврий матбуот нашрларига бой кутубхона курсантларнинг севилими масканига айланган.

Ҳарбийларимизга давлатимиз томонидан яратиб берилган бундай имкониятлар уларнинг билим ва маҳорати янада ошишига, юқори малакали ҳарбий мутахассис, ватанпарвар, бурчиға садоқатли инсонлар бўлиб шаклланишига хизмат қилмоқда.

Кичик командирлар армиямизнинг қудрати ва салоҳиятини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қиладиган муҳим бўғин, аскарларнинг устози ва маслаҳатчиси, офицерларнинг яқин кўмакчиси.

Сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳарбий қисм ва муассасаларда шартнома асосида хизмат қиладиган ва қўмондонлик томонидан ки-

чик командир лавозимида ҳарбий хизматни ўташ учун тавсия этилган оддий аскарлар тўққиз ой мобайнида тахсил олади. Кичик сержант унвонини олгандан кейин ҳарбий хизматни муваффақиятли давом эттирган ва белгиланган муддат давомида сержант унвонига ўқишга лойиқ топилган ҳарбий хизматчилар эса яна уч ой ўқитилади.

Ушбу тизим бераётган юксак самараларни ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, муассасаларда муваффақиятли хизмат қиладиган сержантларнинг ҳарбий қисмларда соғлом маънавий муҳитни таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётганида яққол кўриш мумкин.

— Ҳарбий қисмида сержантлар тайёрлаш мактабини тугатган кўлаб сержантлар хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм масъул офицери Ғофур Жўраев. — Улар берилган топшириқни ўз вақтида, аниқ бажариши билан бирга, оддий аскарларни ҳам ҳарбий интизомга ўргатиб, хизмат сифати ва самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, Куролли Кучларимизда хизмат қиладиган сержантларимиз шахсий таркибининг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, тартиб-интизомни сақлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Айна кунларда барча ҳарбий қисм ва муассасаларда бўлгани каби, Тошкент ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактабидан ҳам Куролли Кучларимизнинг 22 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб нишонлашга кизгин ҳозирлик қўрилмоқда.

**Холмурод САЛИМОВ,**  
ЎЗА мухбири

## АНУМУЛА ГИТЕШ САРМА: ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА КЎРСАТИЛАЁТГАН УЛКАН ЭЪТИБОРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ ҲАР ҚАДАМДА НАМОЁН

Янги йил байрами арафасида ЎЗА мухбири Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анумула Гитеш САРМА билан сўхбатлашди.

— Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 2014 йил Ўзбекистонда Соғлом бола йили, деб эълон қилинди. Мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақидаги фикрингизни баён қилсангиз.

— Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси менда жуда катта таассурот қолдирди. Замонавий демократик жамиятни барпо этиш ва изчил ривожлантириш йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистонда ижтимоий барқарорлик таъминланаётгани алоҳида эътиборга молик.

Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, мавжуд муаммолар ечимини топиш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистон, ҳеч шубҳасиз, минтақада келажаги буюк бўлган энг кучли ва муҳим давлатдир.

Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда, мамлакатимизнинг қишлоқ ҳудудларида ҳам хотин-қизларнинг жамиятда тугатган ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида таъкидлаганидек, аёлларни тadbиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар хотин-қизларга ўз бизнесини очиб, оиласи, эл-юрти учун фойда келтириш, ҳаётда ўз ўрнини топиш имконини бераётди.

Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги унинг болаларидир. Шу

маънода, 2014 йилнинг Ўзбекистонда Соғлом бола йили, деб эълон қилинган юксак тахсинга сазовордир. Юртингизда болаларга қаратилаётган алоҳида эътибор, жумладан, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, сифатли таълим бериш, мамлакатнинг бой тарихи ва маданияти ҳақидаги билимини ошириш, шунингдек, соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия, спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш борасидаги кенг кўламли ишлар бераётган юксак самараларни ҳар қадамда кўриш мумкин.

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболи ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик?

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва муносабатларимизни стратегик шериклик даражасига кўтаришда муҳим омил бўлганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ташриф чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорлик ривожига юқори суръат бахш этди. 2013 йилнинг май ойида эса Ҳиндистон Республикаси вице-президенти Ҳамид Ансорий расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Мазкур ташриф ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармасида вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида аскар оналарини шарафлаймиз, деб номланган учрашув ўтказилди. Учрашувда ҳарбий қисмлар раҳбарияти номидан намунали хизмат қиладиган аскар ўғлонларнинг ота-оналарига келган ташаккурномалар ўқиб эшиттирилди. Тадбир доирасида ҳарбийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи видеофильм ва концерт дастури намойиш этилди.

• Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Мангит маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўтказилган ярмаркада йигирмадан ортиқ корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари икки юзга яқин иш ўринларини таклиф этди. Олтмиш нафардан зиёд фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

• Наманган вилоятида «Алломиш» ва «Барчино» оммавий спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 5 ёшдан 60 ёшгача бўлган аҳоли вакиллари иштирок этди. Иштирокчилар қисқа масофага югуриш, узунликка сакраш, турниқда тортилиш, арқонга тирмашиб чиқиш каби ўндан зиёд спорт тури бўйича ўзаро куч синашди.

• Янги йил байрами арафасида Фарғона вилоятининг Риштон туманида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона вилояти филиали маблағлари ҳисобидан барпо этилган мазкур мажмуада 500 нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг мини-футбол, волейбол, баскетбол, кураш, оғир атлетика ва гимнастика турлари билан мунтазам шугулланиш имконига эга.

• Қашқадарё вилоятида 103 маҳалла (қишлоқ) фуқаролар йиғинига 124 та компьютер жамланмалари топширилди.

## ЖАҲОНДА

• «Бежиза» кучли бўрони Ҳинд океанида жойлашган Франциянинг Реюньон оролида катта нокулайликларни келтириб чиқарди. Бўроннинг яқинлашиши оқибатида кучли жала қуйиб, шамолнинг тезлиги соатига 150 километрдан ошди. Табиий офат хуруж қилган оролнинг айрим ғарбий ҳудудларидан аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилмоқда. Оролда қулаган дарахтлар электр узатиш тизимларини шикастлади ва аҳолининг учдан бир қисми электр қувватисиз қолди.

• Калифорниялик Том Бертжорж исмли шахс ўзини Янги йил байрами кунлари гоёт антиқа усулда беади. Гап шундаки, Том бу борада рангли лампалардан фойдаланди. Қоронғу тушгач, унинг уйи мусика садолари остида турли рангларда жилвалана бошлади. Айниқса, чироқлар ёрдамида ҳосил бўладиган улкан беш метрли гитара, олти метрли пианино анча узокдан ҳам кўришиб туради. Ўзининг айтишича, шундай ноёб манзарани ҳосил қилиш учун икки ой давомида тер тўккан.

• Австралиялик ва америкалик тадқиқотчилар мушак ҳужайраларидаги кексайиш жараёнини секинлаштирувчи препарат топилигани маълум қилишди. Яъни, олимлар томонидан NMN деб номланган препарат икки ёшли сичқонда синаб кўрилганда ижобий натижа кўрсатган. Тажрибадан сўнг икки ҳафта ўтгач, ўша кекса сичқон олти ойлик ёш сичқонлардан фарқланмай қолган. Агар мазкур препарат синовларда яхши натижа кўрсатса, хаста одамларга, айниқса, тана қарий бошлаганда ёрдам бериши мумкин. Ҳозирча синовлар давом этмоқда.

## Янги қонун кучга кирди

## МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШНИНГ ЯНГИ ВА ЯҒОНА МЕЗОНИ

Эркин рақобат муҳитига асосланган бозор иқтисодиёти мамлакатимизда маҳсулот ва хизматлар сифати яхшиланиши ва кўпайиши учун кенг йўл очмоқда. Танлаш имкониятининг кенглиги, хизмат кўрсатишнинг қилма-қиллиги маҳсулотларнинг энг сифатлиларидан баҳраманд бўлишимизга хизмат қиладиган бўлиб қолди. Ушбу жараёнда мамлакатимизда сифатни кафолатлашнинг энг замонавий тизими жорий этилгани давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов томонидан фуқаролар манфаатини ҳимоялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг амалдари яна бир самарасидир.

Мамлакатимизда маҳсулот, иш, хизматларни сертификатлаштириш ва стандартлаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Соҳадаги қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштириш, маҳсулотнинг хавфсизлиги, сифати ва рақобатбардорлигини таъминлаш, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш мақсадида 2013 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди ва кучга кирди.

Мазкур қонун мувофиқликни баҳолашнинг бутун тизимини, шу жумладан, миллий аккредитацияни ташкил этишнинг умумий тамойиллари ва қоидаларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу қонун қабул қилингунга қадар мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги муносабатлар турли соҳавий қонунлар, яъни «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида»ги

қонунлар, шунингдек, идоравий-меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинаётган эди. Ушбу соҳада ягона базавий қонуннинг қабул қилиниши, ўз навбатида, миллий қонунчиликни халқаро талаблар ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш, назорат органларининг тadbиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайитириш ҳамда халқаро савдони энгиллаштириш имконини беради.

Миллий қонунчилигимиз тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлигига асосланган янги қонун 4 боб ва 33 моддадан иборат.

Шу ўринда «мувофиқликни баҳолаш» тушунчасига ойдинлик киритиш муҳим аҳамиятга эга. Бу — маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёни, хизматлар, менежмент тизимлари, мувофиқликни баҳолаш органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича фаолиятдир.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва республика Белбоғли кураш федерацияси

ҳамкорлигида мамлакатимизда ёш авлодни спортга жалб этиш, шу орқали ҳар томонлама етук фарзандлар тарбиялаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** «Камолот» ЁИХ Мирзо

Улуғбек туман Кенгаши томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари ва имконияти чекланган ёшларга «Камолот кутубхонаси»дан турли мавзудаги бадиий китоблар топширилди.

✓ **БУГУН** Марказий офицерлар уйи майдонида Ҳамза туманидаги «Замондош» маданият уйининг бадиий хаваскорлик жамоалари иштирокида «Янги йил саргузаштлари» деб номланган театрлаштирилган байрам томошаси бошланди.

**АНУМУЛА ГИТЕШ САРМА:**

**ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА  
КЎРСАТИЛАЁТГАН УЛКАН ЭЪТИБОРНИНГ ЮКСАК  
САМАРАЛАРИ ҲАР ҚАДАМДА НАМОЁН**

(Давоми. Боши 1-бетда)

2013 йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлисида Хиндистон Республикаси ташки ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Сужата Сингхнинг қатнашгани минтақавий ва халқаро масалаларга оид икки томонлама мулоқоти янада фаоллаштириш ҳамда ўзаро ҳамкорлигининг бугунги аҳоли ва истиқболларини муҳожама қилиш имконини берди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида барча имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилиялмиш. Савдо кўламини ривожлантириш, минтақадаги тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш Ўзбекистон ва Хиндистон иқтисодий ҳамкорлигини тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб этади. 2014 йилнинг бошида Ҳукуматларо қўша комиссия мажлисини ўтказишни режалаштирялмиш. Мамлакатларимиз ўрта-

сида фармацевтика ва ахборот технологиялари соҳасидаги мавжуд салоҳиятдан тўлароқ фойдаланиб, қатор лойиҳаларни амалга ошириш ниятидаммиз.

– **Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар бераётган самаралар ҳақида нималар дея оласиз?**

– Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий диверсификация қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва инфратузилмани такомиллаштиришга қаратилаётган улкан эътибор Ўзбекистоннинг юксак суръатларда тараққий этишига хизмат қилаётир. Ўзбекистон тарихан қисқа даврда иқтисодий бىрқўлама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мўлжалланган республикадан замонавий саноат тармоғига эга, жадал тараққий этаётган замонавий мамлакатга айланди. Бунинг тасдиғини Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти таркибидан саноатнинг улуши 1990 йилдаги 14,2 фоиз

ўрнига бугунги кунда 24,3 фоизни ташкил этаётгани, қишлоқ ҳўжалигининг улуши эса 34 фоиздан 17 фоизга камайганида кўриш мумкин.

Ўзбекистон минтақада энг ривожланган, ҳар жиҳатдан муҳим ва юксак нуфузга эга давлатдир. Истиқлол йилларида халқингиз фахрланса аригулик улкан муваффақиятларни кўлга киритди. Жаҳонда глобал молиявий-иқтисодий инқироз авж олган мураккаб шароитда ҳам мамлакатингизда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан камайгани йўқ. Бугунги мураккаб халқаро иқтисодий вазиятда бу гоят юксак натижа эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Буларнинг барчаси Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самараларидир.

– **Сўхбатимиз Янги йил байрами арафасида ўтмоқда...**

– Янги йилни Ўзбекистонда кутиб олаётганимдан жуда бахтиёрман. Одамлар Янги йил байрамини одатда оила аъзолари ва дўстлари даврасида нишонлайдилар. Мен Ўзбекистонда ўзимни ўз уйимдагидек ҳис қиламан. Халқингиз жуда самимий, очикқўнғил, меҳмондўст ва бағрикенг. Ўзбек ва хинд халқлари қадимдан дўстлик ришталари билан боғланган, маданиятимиз, урф-одат ва қадриятларимизнинг ўхшаш жиҳатлари кўп.

Ўзбекистон келажақда албатта буюк давлат бўлишига ишонаман. Янги йилда Ўзбекистонга раванқ ва тинчлик, халқингизга бахт-саодат, сўхат-саломатлик ва фаровонлик тилайман.

Нодира МАНЗУРОВА  
ёзиб олди

**2014 йил — Соғлом  
бола йили**

**РЕПРОДУКТИВ  
САЛОМАТЛИКНИ  
МУСТАҲКАМЛАШ —  
ДОИМИЙ  
ЭЪТИБОРДА**

**Республика ихтисослаштирилган  
акушерлик ва гинекология илмий-  
амалий тиббиёт марказида болалар ва  
ўсмирлар саломатлигини  
мустақамлаш борасида амалга  
оширилаётган ишлар ва истиқболдаги  
вазифаларга бағишланган давра  
сўхбати бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва иқтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлиари ва илмий-тадқиқот муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва иқтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф.Ражабов, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С.Султонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг принципиал янги қадамлари ишлаб чиқилгани ойна ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлиқни мустақамлаш, жисмоний ва маънавий барқарор ахлоқий вояга етказишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизда тиббий-иқтимоий соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли, жумладан, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишда дастуруламал бўлаётир. Бирламчи тиббий-профилактика муассасалари, ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология, педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, перинатал, репродуктив саломатлик марказлари, худудларда болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари томонидан бу йўналишда аҳолига кенг қўламли тиббий хизмат кўрсатилаётир.

Аҳоли ўртасида микронутриент етишмовчилиги туфайли келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш, озиқ-овқат маҳсулотларини фойдали моддалар билан бойитиш, ҳомилдор аёлларни поливитаминоминлар билан таъминлаш, оилаларда рационал овқатланиш маданиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган тарғибот ишлари тобора такомиллашмоқда.

Бундай чора-тадбирлар самарасида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, оналар ва болалар ўлими, касалликларини камайтириш, соғлом болалар кўрсаткичини оширишга эришилмоқда.

Давра сўхбатига болалар ва ўсмирлар саломатлигини яхшилашга оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини янада мустақамлаш, юқори технологияли ташхис қўйиш ҳамда даволаш усулларини амалиётга табиқ этиш, профилактика чора-тадбирлари қўлимини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган самаралар ва истиқболдаги вазифалар хусусида фикр алмашилди.

Б.ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири

**Кўргазмалар**

**ИЗЧИЛ  
ИЗЛАНИШЛАР  
НАТИЖАСИ**

**Тошкент Фотосуратлар уйида ёш  
ҳайкалтарош Нормурод Нейматовнинг  
«Самовий мусиқачилар» деб номланган  
шахсий кўргазмаси очилди.**

Фотосуратлар уйи залларининг бирида «Ҳаётнинг бошланиши», «Кун», «Тун», «Жаннат йўлида тантана» каби ҳайкаллар қўйилган бўлса, бошқа бир залдаги қаттагон қурбонларига бағишланган «Калб уйғониши», «Сўнги қарамадон», «Сўнги нафасгача», «Ўтмишдан келажакка сабо», «Ҳақиқат қўзи» ва бошқа қатор санъат асарлари кишини мулоҳазага қорлайди.

Муаллиф рангтаъбир асарлари ва яратилган ҳайкалларда ўзига хос йўлни танлаган. Ҳайкаллар яратилган аввал бир неча вариантларда чизган эскизлари ҳам кўргазмадан ўрин олган. Экспонатлар билан танишган ихлосмандлар муаллиф яратган асарларда мазмун-моҳиятга, шаклга эътиборни, бу ишлар изчил изланишлар натижаси эканлигини кўради.

Н. Нейматов 1988 йили ёғоч ўймакор уста оиласида таваллуд тоғган. У ҳозирда Камолитдин Бехзод номдаги миллий рассомлик ва дизайн институтида ўқийди.

Ҳайкалтарош Азамат Хотамов унинг устозидир. 2008 йили декабрь ойида у акаси Озод билан бирга Самарқандда биринчи кўргазмасини ташкил этди. 2011 ва 2013 йилларда Самарқанд ва Тошкентда шахсий кўргазмалари ўтказилди. Турли танловларда қатнашди. Асарлари юртимизда ва қатор хорижий мамлакатлардаги шахсий коллекциялардан ўрин олган. Ёш ҳайкалтарош биз билан сўхбатда шундай деди: «Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида яратилаётган шароитлар ҳамда санъатнинг тинчлик, гўзаллик, табиатни асрашда вазифаси мени руҳлантиради. Кўргазмага қўйилган экспонатларда эса интилишларимни тасвирга туширишга ҳаракат қилганман».

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

**МУВОФИҚЛИКНИ  
БАҲОЛАШНИНГ ЯНГИ ВА ЯҲОНА  
МЕЗОНИ**

(Давоми. Боши  
1-бетда)

Мувофиқликни баҳолашнинг асосий вазифаси инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулки ҳавфсизлигини таъминлашдир. Шу билан бирга, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлашни назарда тутлади.

Мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитациянинг белгиланган соҳасида ишларни бажаришга ваколатли эканини тасдиқлайди. Ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ҳамда хизматларнинг рақобатбардорлигини ошириш, халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик ва халқаро савдода иштирок этиб, савдодаги техник тўсиқларни бартараф қилиш борасида фаолият олиб боради.

Мувофиқликни баҳолаш аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, мувофиқликни декларациялаш, инспекция назорати, юқори ортишдан олдин ва (ёки) юқори тушириш вақтидаги инспекция, маҳсулот синови, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экология экспертиза йўли билан амалга оширилади.

Қонуннинг ўзига хос ва энг муҳим жиҳатларидан яна бири мувофиқликни баҳолаш қондалари ва тартиб-таомилли билан боғлиқ. Яъни мувофиқликни баҳолаш қондалари ва тартиб-таомилли мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ташкилий ҳамда техник талабларни, ишларни бажариш ва расмийлаштириш тартибини, усулларини ўз ичига олади. Мувофиқликни баҳолашга

доир ишларга сифат бўйича эксперт-аудиторлар ёки тегишли тармоқларнинг мувофиқликни баҳолаш соҳасида ишларни ташкил этишга, ушбу соҳадаги жараёнга ёки фаолиятга тааллуқли махсус билим ва тажрибага эга бўлган техник экспертлар жалб қилиниши мумкин.

Мувофиқликни баҳолаш соҳаси давлат томонидан тартибга солинади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертифицикатлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари белгиланган тартибда фаолият юротилади.

Мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитациянинг белгиланган соҳасида сертифицикатлаштиришни амалга оширади. Мувофиқлик сертификатларини беради. Соҳа вакиллари аккредитациянинг белгиланган соҳасида маҳсулот синовини ўтказиш, ўлчов ва синов воситаларини текшириш ёки калибрлаш, миллий аккредитация тизими белгисини қўллаш каби ҳўқуқларга ҳам эга.

Қонунда аккредитациядан ўтказиш масаласига алоҳида ўрин берилган. Миллий аккредитация органи сифатида Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертифицикатлаштириш агентлиги белгиланган. Мазкур орган зиммасига мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш, миллий аккредитация тизими ташкил этилишини, фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш вазифаси юкланган.

Бу жараёнда Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертифицикатлаштириш агент-

лиги мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилишни амалга оширади ва уларга аккредитация тўғрисида гувоҳнома беради. Мувофиқликни баҳолаш органлари устидан инспекция назоратини амалга оширади. Белгиланган тартибда аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва ушбу гувоҳномани бекор қилиш, халқаро аккредитация органлари ва хорижий давлатларнинг миллий аккредитация органлари билан аккредитация масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш, мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестрини юритиш каби вазифалар ҳам агентлик зиммасига юкланади.

Мувофиқликни баҳолашга доир ишларни молиялаштириш манфаатдор шахсларнинг маблағлари, шунингдек, қонун ҳўжалиқлари мувофиқ бўлган манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Мувофиқликни баҳолаш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар учун тарифларни ҳисоб-китоб қилиш тартибини қонун ҳўжатлари мувофиқ тасдиқланади.

Мухтасар айтганда, мазкур янги қонун ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ҳамда хизматларнинг рақобатбардорлигини ошириш, халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик ва жаҳон савдо алоқаларида иштирок этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда давлатнинг ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим ҳўқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Зафар РЎЗИЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти ҳузуридаги**  
**Амалдаги қонун**  
**ҳўжатлари мониторинги**  
**институтини етакчи илмий**  
**ҳодими**  
**(ЎЗА)**

**Пойтахтимизда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан «Замонавий сервис хизмати кўрсатиш, йўловчиларга янада кўпроқ қулайликлар яратиш борасида олиб борилаётган ишлар: жаҳон тажрибаси ва ютуқлар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.**

**ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДА ХИЗМАТ  
КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА**

Тадбир давомида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Ш.Исмаилов ва компаниянинг бошқа бир қатор мутахассислари жорий йилда темир йўл тизимида олиб бориладиган ишлар юзасидан журналистларга батафсил маълумот бериб ўтишди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда темир йўл тизими жадал ривожланиб бормоқда. Юкларнинг 70, йўловчиларнинг 60 фоизи, экспорт ва импорт қилинадиган юкларнинг умумий ҳажмининг 90 фоизи мамлакатимиз темир йўллари орқали ташилаётгани фикримиз исботидир. 2013 йилда компания бекатларидан 82,9 миллион тонна юк жўнатилишига эришилди. Юк айланмаси эса 22,6 миллион тонна-километри ташкил этади. Якунига етган йилда темир йўл хизматларидан 19 миллиондан зиёд йўловчи фойдаланган.

Ушбу даврда юқори тезликда ҳаракатланувчи «Атросиёв» поездидида 150 км/соғ нафардан зиёд йўловчи ташкилд. Қисқа вақт ичида ўз манзилига етиб бораётган мазкур поезд ишга тушгандан бошлаб бугунги кунга ҳам 400 мингдан ортиқ йўловчига хизмат қилди.

Туризмини ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини ташкил этиш ва мамлакатимизга кириб келаётган меҳмонларни қадимий шаҳарларимиз билан таништириш мақсадида компаниянинг шўъба бўлими — «Ўзтемирйўлийўловчи»

очик акциядорлик жамияти томонидан 2013 йилда сайёҳлар учун иккита махсус — «Аfsona», «Orient Silk Road Express» поездлари ишга туширилди.

«Аfsona» поезди 11 апрелдан бошлаб Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Урганч йўналишлари бўйлаб қатнашни бошлади. Орадан бир ой ўтар-ўтмас Тошкент-Урганч-Тошкент йўналиши бўйлаб сайёҳлар учун мўлжалланган иккинчи поезд фаолият кўрсата бошлади. Май ойининг охирида юқоридидаги йўналишлар бўйлаб учинчи поезд қатнови ҳам йўлга қўйилди.

2013 йилнинг сентябрь ойидан «Lerniede Erlebnisreisen GmbH» Германия компанияси билан ҳамкорликда лойиҳалаштирилган Тошкент-Қамаш-Китоб-Бухоро-Урганч-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйлаб «Orient Silk Road Express» сайёҳлик поезди қатнай бошлади.

Барча соҳаларда бўлгани қатори темир йўл тизимида ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш такомиллашиб бормоқда. Йўловчиларга тезкор ва зарур маълумотларни етказиш мақсадида www.uzrailpass.uz веб-сайти яратилган. Ушбу сайт орқали улар поездлар жадалви, йўл ҳўжатлари ва қатнов наҳрлари ҳақидаги маълумотлар билан танишиш имконига эга бўладилар.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган барча саволларга атрофича жавоб қайтарилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**



Отабек Мирсоатов (ЎЗА) олган сурат

**ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ  
ДАСТУРХОНИГА —  
САРХИЛ МАҲСУЛОТЛАР**

**Қиш бошланиб, пишиқчилик мавсумидан анча  
узоқлашган бўлса ҳам, юртимиз бозорларида сархил  
мева ва полиз маҳсулотларининг мўл-кўллиги кўзни  
куваттиради. Шу кунларда деҳқон бозорлари  
гавжумлашиб, тўкинлик янада ошган. Нархларда эса  
доимий барқарорлик.**

Статистик маълумотларга қараганда, 2013 йилнинг тўхтқи ойида мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари томонидан 6 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 1,5 миллион тонна мева, 1,7 миллион тонна картошка, 1,1 миллион тонна полиз маҳсулотлари ҳамда қариб бир миллион тонна узум етиштирилган. Мазкур маҳсулотларни аҳолига арзон нархларда ва сифатли тарзда етказиб беришда пойтахтимиздаги деҳқон бозорларида ташкил этилган аънавий озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдо-марказлари самарали фаолият юрймоқда.

Яккасарой туманидаги «Аския деҳқон бозори»да Андижон вилояти фермер ҳўжалиқлари вакиллари йиғирмадан ортиқ турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдосини йўлга қўйган. Улар Янги йил байрамида пойтахтликлар дастурхонига 1,2 минг тоннадан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини пешма пешма етказиб бериш ҳаракатида. Шу кунгача ана шундай сифатли ва нархи нисбатан арзон 10 тонна гўшт, 300 тоннадан зиёд сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари аҳоли томонидан харид қилинди.

2013 йилда фермер ҳўжалигимизга қарашли 20 гектар богда олма, беҳи, нокдан мўл ҳосил етиштирдик, — дейди Марҳамат туманидаги «Тухфа» фермер ҳўжалиги раҳбари Набижон Қамбаров. — Байрам кунлари энг сара маҳсулотларимизни пойтахтликларга тақдим қилаётганимиздан мамнунимиз. Бозор маъмурияти бизни пештахта, электрон тарози, махсус кийим ва турар жой билан таъминлади.

Ҳамза туманидаги «Авиасозлар деҳқон бозори»даги ярмаркада Наманган, Сирдарё, Навоий ва Тошкент вилоятлари фермер ва тадбиркорлари савдо қилаётир. Расталарга қўйилган турли-туман маҳсулотларининг сифати юқори, нархи арзонлиги хариддорларга манзур бўлаётир. Шу кунга қадар Наманган вилояти миришқорлари аҳолига 25 тонна гўшт, 300 тонна сабзавот, 100

тонна картошка, 200 тонна мева ва 80 тонна полиз маҳсулотлари етказиб берди.

— Шу кунларда бозорларимизда ноз-неъмат ҳар қачонгидан ҳам сероб, — дейди меҳнат фаҳрийси Ғайратбек Қозибеков. — Бундай файзу маҳсулотларни қариб бир миллион тонна узум етиштирилган. Мазкур маҳсулотларни аҳолига арзон нархларда ва сифатли тарзда етказиб беришда пойтахтимиздаги деҳқон бозорларида ташкил этилган аънавий озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдо-марказлари самарали фаолият юрймоқда.

Таъкидлаш жоизки, байрамолди ярмаркаларида «Паррандасаноат», «Озиқ-овқат саноати қорхоналари», «Улғуржисавдоинвест» уюмлари тизимидаги қорхоналар ҳам қайта ишланган маҳсулотлари билан фаол иштирок этмоқда. Улар аҳолига ўсимлик ёғи, қандолат, консерва, гўшт, сут маҳсулотларини кенг тақдир этмоқда.

— Қорхонамизда ишлаб чиқарилган бир неча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келдик, — дейди ЎЗА мухбирига «Tegen group» масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Дилдора Абдужабборовва. — Қисқа муддатда аҳолига 130 килограмдан ортиқ маҳсулот сотдик. Янги йилга қадар яна бир тоннадан кўпроқ маҳсулот етказиб беришни мўлжалламоқдамиз.

— Ушбу ярмаркада қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини деҳқоннинг ўзидан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчидан харид қилиш имкони яратилгани биз, хариддорларга жуда маъқул бўлмоқда, — дейди Манзура Ражабова. — Байрам дастурхони учун чиройли идишларга жойланган қовоқ, қовун мурabboларини харид қилдик. Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгани, аҳоли манфаатини ўйлаб амалга оширилаётган бундай ғамхўрликлар учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари 2014 йилнинг 10 январига қадар давом этади.

**Сайёра ШОЕВА**

# ҲАФТЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## Ўзбекистон

05.55 Курсатувлар дастури.  
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00 «Қушларнинг сирли ҳаёти».  
Х/ф.  
07.30 Миллий сериал: «Чемпионлик орауси».  
08.00 «Ташлинома».  
08.40 «Тонгги газета». Т/с.  
09.30 «Юрган - дарё».  
09.55 «Икким».  
10.00 «Комиссар Рекс». Т/с.  
10.50 «Қўзғоқ Шон». М/с.  
11.00 «Ахборот».  
11.10 «Ватанпарвар».  
11.55 «Икким».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.00 «Икким».  
13.05 «Усимликлар ҳаёти».  
Х/ф.  
14.00 «Ахборот».  
14.15 «Хидоят сари».  
14.35 Болалар учун фильм.  
«Сехри кутубча». 4-қисм.  
15.45 «Қўзғоқ Шон». М/с.  
16.15 «Кўз».  
17.00 «Ахборот».  
17.10 «Божий Тошкент».  
17.20 «Икким».  
17.25 «Эркин фикр».  
17.35 «Андерсен эртаклари».  
М/с.  
18.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди».  
18.15 «Аёл ва замон».  
18.35 «Икким».  
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» /рус/.  
20.05 «Навойи бустонидан».  
20.10 «Опа-сингил Элиотлар».  
Т/с.  
21.00 «Ахборот».  
21.40 Ватан химоячилари кунига.  
«Муносабат».  
22.10 «Қўнғил қўшиқ истаиди».  
22.25 «Шимол ва Жануб».  
Б/ф. 1-қисм.  
23.25 - 23.50 «Замин гаройиботлари».  
Х/ф.  
23.50 Курсатувлар дастури.  
23.55 «Юрган - дарё».  
00.20 «Қўзғоқ Шон».  
00.50 «Божий Тошкент».  
01.00 «Ахборот» /рус/.  
01.30 ТелеТеатр: «Камир тоғайми дадажон». 1-қисм.  
02.05 «Шарк тароналари».  
02.15 «Икким».  
02.20 «Ватанпарвар».  
03.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
04.00 «Ахборот».  
04.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орауси».  
05.10 «Аёл ва замон».  
05.30 - 05.55 «Мусаффо маскан».

## Ёшлар

06.00 «Ватан меҳри».  
06.10 «Тараннум».  
07.00 «Мультипанорама».  
08.00 «Кор алангаси». Т/с.  
08.40 «Ешик навалари».  
09.00 «Болалар саҳнаси».  
09.10 «Табдил тухфаси».  
09.50 «UzEx».  
10.00 «Камолот-инфо».  
10.10 «Жаноб Бин» /Б/ф.  
11.30 «Табассум қил».  
11.40 «Хайр хавфсизлиги».  
12.10 «Колумбо». Т/с.  
12.50 «Истиқлол қалқони».

## Ўзбекистон

05.55 Курсатувлар дастури.  
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00 «Қушларнинг сирли ҳаёти».  
Х/ф.  
07.30 Миллий сериал: «Чемпионлик орауси».  
08.00 «Ахборот».  
08.40 «Тонгги газета». Т/с.  
09.30 «Юрган - дарё».  
09.40 «Навойи англаш».  
09.55 «Икким».  
10.00 «Комиссар Рекс». Т/с.  
10.50 «Қўзғоқ Шон». М/с.  
11.00 «Ахборот».  
11.10 «Опа-сингил Элиотлар».  
Т/с.  
11.55 «ТВ-шифокор».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.00 «Тезкор хабарлар».  
13.10 «Усимликлар ҳаёти».  
14.00 «Ахборот».  
14.15 Болалар учун фильм.  
«Сехри кутубча». 5-қисм.  
15.25 «Икким».  
15.30 «Аёл ва замон».  
15.55 «Икким».  
16.00 «Муносабат».  
16.30 «Ахборот» /инглиз/.  
16.40 «АКТ оламиди».  
17.00 «Ахборот».  
17.10 «Қушларнинг бирида...»  
17.30 «Ифтихор».  
17.35 «Андерсен эртаклари».  
М/с.  
18.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди».  
18.15 «Хаммаси ҳаёт ҳақида».  
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» /рус/.  
20.05 «Навойи бустонидан».  
20.10 «Опа-сингил Элиотлар».  
Т/с.  
21.00 «Ахборот».  
21.40 «Устурлоб».  
22.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди».  
22.15 «Шимол ва Жануб». Б/ф. 2-қисм.  
23.15 - 23.40 «Замин гаройиботлари».  
Х/ф.  
23.40 Курсатувлар дастури.  
23.45 «Устурлоб».  
00.05 «Қўриқхонанинг тўрт фасли».  
00.30 «Шарк тароналари».  
00.45 «Янгилабтанган юрт».  
01.00 «Ахборот» /рус/.  
01.30 ТелеТеатр: «Камир тоғайми дадажон». 2-қисм.  
02.05 «Хаммаси ҳаёт ҳақида».  
02.20 «Навойи англаш».  
02.45 «АКТ оламиди».  
03.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
04.00 «Ахборот».  
04.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орауси».  
05.10 «Қўнғил қўшиқ истаиди».  
05.40 - 05.55 «Қушларнинг бирида».

## Ёшлар

06.00 «Ватан меҳри».  
06.10 «Тараннум».  
07.00 «Мультипанорама».  
08.00 «Кор алангаси». Т/с.  
08.40 «Ешик навалари».  
09.00 «Болалар саҳнаси».  
09.10 «Табдил тухфаси».  
09.50 «UzEx».  
10.00 «Жаноб Бин саҳна тикада».  
М/с.  
11.30 «Табассум қил».  
11.40 «Суза ёшларга».  
12.10 «Колумбо». Т/с.

13.00 «Давр».  
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».  
14.00 «Фил ва малика». Т/с.  
14.50 «Бола бошидан».  
15.00 «Мультипанорама».  
15.20 «Динозаврлар сайёраси».  
15.50 «UzEx».  
16.00 «Давр».  
16.10 «Тешик бошқоқлар». Б/ф.  
16.20 «Камолот-инфо».  
17.10 «Қишлоқдаги тенгдошим».  
17.30 «Ишқ уммони». Б/ф. 1-қисм.  
18.50 «UzEx».  
19.00 «Давр».  
19.30 «Қиш сонатаси». Т/с.  
20.20 «Ешик навалари».  
20.40 «Соғлом бола йили».  
20.50 «Эртаки болажонлар».  
21.10 «Гумбаз остида». Т/с.  
22.00 «Давр».  
22.30 «Қилин қирқ ёриб». Т/с.  
22.50 «Мардик мактаби».  
23.00 «Хайр-мамот». Т/с.  
00.10 «Муъжизавий дунё».  
01.10 «Афсона ва ҳақиқат».  
02.00 «Хайр хавфсизлиги».  
02.30 «Шарк гаҳвар».  
03.00 «Илҳом қанотлари».  
03.40 «Нукта назар».

18.55 Миллий сериал: «Хайр пилла-поляр».  
19.25 «Эртаки эгалари».  
19.40 «Теле-маркет».  
19.55 «Уйларим».  
20.00 «Пойтахт».  
20.25 «Менинг маҳаллам».  
20.45 «Маърифат фидойилари».  
21.00 «Мисли гаҳвар».  
21.15 «Пойтахт йилларида».  
21.30 «Теле-маркет».  
21.45 «Бизнес-пойтахт».  
21.50 «Қирол Сежон». Т/с. 97-қисм.  
22.30 «Пойтахт» /рус тилида/.  
22.50 «Анонс».  
22.55 «Три мушкетёра». Х/ф.  
00.35 Курсатувлар тартиби.  
00.40 «Пресная вода». Д/ф.  
01.00 «Джерри Магуаер». Х/ф.  
03.35 «Анонс».  
03.40 «Бизнес-пойтахт».  
03.45 Хинд киноси: «Бог'бон».  
1-қисм.  
05.00 - 06.00 «Салом, Тошкент!»

## Спорт

06.00 «Хайри тоғ!»  
06.05 Курсатувлар тартиби.

## ДУШАНБА, 6

04.20 «Қишлоқдаги тенгдошим».  
04.40 «Сехри қўллар».  
05.00 «Давр».  
05.30 «Соғлом оила».  
05.50 - 06.00 «Телетуҳфа».

## Тошкент

06.00 «Мадҳия».  
06.05 Курсатувлар тартиби.  
06.10 «Адолат мезони».  
06.25 «Дилбандим» тележурнали.  
06.55 «Доллар бисотидан».  
07.00 «Пойтахт».  
07.20 «Саргузаштлар ороли».  
07.45 «Интеллектуал аукцион».  
07.55 «Анонс».  
08.00 «Салом, Тошкент!»  
09.00 Мультисериал: «Чип ва Дейл».  
1-қисм.  
09.25 «Анонс».  
09.30 «Интервью».  
09.40 Миллий сериал: «Хайр пилла-поляр».  
1-қисм.  
10.10 «Профессионал».  
10.30 «Пойтахт» /рус тилида/.  
10.40 «Хумо».  
10.55 «Унга негр боласи». Б/ф.  
13.00 «Ахборот».  
14.00 «Дунё» теледастури.  
14.55 «Анонс».  
15.00 «Пойтахт».  
15.15 «Таянч нуқтаси».  
15.40 «Бизнес-пойтахт».  
15.45 «Вугун ва эрта».  
Ток-шоу.  
16.25 Мультисериал: «Шарки ва Жорж».  
27-қисм.  
16.50 «Икки тақдир».  
Т/с. 109-қисм.  
17.10 «Интеллектуал аукцион».  
17.20 «Эко-пойтахт».  
17.30 «Келин меннинг дўстларим».  
/инглиз тилида/.  
17.45 «Карвонсарой».  
17.55 «Интервью».  
18.05 «Иброт».  
18.30 «Пойтахт».

06.10 «Саломат бўлинг!»  
06.30 АНОНС.  
06.35 «Маҳорат мактаби».  
06.50 АНОНС.  
06.55 «Луиш Фигу». Хужжатли фильм.  
20.00 АНОНС.  
20.05 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика.  
«Спортландия».  
Мультфильм.  
07.55 АНОНС.  
08.00 ХАБАРЛАР.  
08.30 АНОНС.  
08.35 Футбол. Жаҳон чемпионати.  
У-17. 1/8 финал. Аргентина - Тунис.  
11.55 Баскетбол. МБА мунтазам чемпионати.  
11.55 «Ифтихоримсан, спорт!»  
11.50 АНОНС.  
11.55 Дюдо. Республика турнири.  
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
13.00 ХАБАРЛАР.  
13.15 АНОНС.  
13.20 Жаҳон кубокларида: Чанги пойгаси.  
Биатлон.  
Трамплиндан сакраш.  
16.10 АНОНС.  
16.15 Футбол. Жаҳон чемпионати.  
У-17. 1/8 финал. Нигерия - Эрон.  
17.55 Курсатувлар тартиби.  
18.00 Болалар майдончаси: «Спортландия».  
Мультфильм.  
18.25 «Анонс».  
18.30 ХАБАРЛАР.  
18.50 АНОНС.  
18.55 «Олим сари».  
19.15 АНОНС.  
19.15 Дюдо. Жаҳон чемпионати.  
20.25 «Спорт-маркет».  
20.30 «Лотер Матус». Хужжатли фильм.

## Спорт

06.00 «Хайри тоғ!»  
06.05 Курсатувлар тартиби.

21.30 ХАБАРЛАР.  
21.50 Футбол. Жаҳон чемпионати.  
У-17. 1/4 финал. Бразилия - Мексика.  
00.00 АНОНС.  
00.05 Баскетбол. МБА мунтазам чемпионати.  
01.25 АНОНС.  
01.30 ХАБАРЛАР.  
01.50 АНОНС.  
01.55 «Лотер Матус». Хужжатли фильм.  
09.45 «Анонс».  
10.00 «Комиссар Рекс». Т/с.  
10.20 «Ешик навалари».  
10.30 «Соғлом бола йили».  
20.50 «Эртаки болажонлар».  
21.10 «Гумбаз остида». Т/с.  
22.00 «Давр».  
22.30 «Қилин қирқ ёриб». Т/с.  
23.20 «Армия - эл руҳи».  
23.30 «Хайр-мамот». Т/с.  
00.10 «Муъжизавий дунё».  
01.10 «Афсона ва ҳақиқат».  
02.00 «Хайр сўмоқлари».  
02.30 «Шарк гаҳвар».  
03.40 «Нукта назар».  
04.20 «Ешлар мазуси».

## Первый канал

05.00 Новости  
05.10 Генин и злодеи  
05.20 Худ. фильм «Сыновья Большой Медведицы»  
07.15 Сериал «Семейный дом»  
09.00 Новости  
09.10 «Аудиторы ХХ века»  
09.55 «Афон. Достучаться до небес»  
11.00 Новости  
11.10 Сериал «Анна Герман»  
11.45 Худ. фильм «Вокзал для двоих»  
18.05 «Белая птица». Концерт Елены Вагни  
20.00 «Время»  
21.15 Сериал «Три мушкетёра»  
21.55 Худ. фильм «Зимний роман»  
23.20 «Дары волхвов. Путь в Россию»  
00.00 Рождество Христово. Прямая трансляция из Храма Христа Спасителя  
02.00 Худ. фильм «Библия»

## Россия

3.40 Т/с «Доярка из Хаццелетовки-3»  
7.50 «Рождественская «Песенка года»  
9.00 Вести  
9.10 Д/ф «Дары волхвов»  
10.15 Праздничный концерт  
12.00 Вести  
12.10 Х/ф «Слон и москвич»  
13.55 «Новая волна-2013. Лучшее»  
16.35 Х/ф «Птица в клетке»  
18.00 Вести  
18.20 Х/ф «Птица в клетке»  
21.00 Рождество Христово. Прямая трансляция торжественного Рождественского богослужения  
23.00 Х/ф «Хлебный день»  
0.30 Х/ф «Красавец-мужчина»  
2.40 «Комната смеixa»

## НТВ

4.10 Х/ф «Агент особого назначения»  
6.00 Сегодня  
6.20 Т/с «Возвращение Мухтара»  
8.00 Сегодня  
8.20 Т/с «Русский дубль»  
11.00 Сегодня  
11.25 Т/с «Учитель в законе. Возвращение»  
15.05 «Большая перемена»  
17.00 Сегодня  
17.20 Т/с «Операция «Куковод»  
21.10 Х/ф «Ветер северный»  
23.10 «Рождественская встреча НТВ»  
2.00 Т/с «Улицы разбитых фонарей»

## Ўзбекистон

05.55 Курсатувлар дастури.  
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00 «Қушларнинг сирли ҳаёти».  
Х/ф.  
07.30 Миллий сериал: «Чемпионлик орауси».  
08.00 «Ахборот».  
08.40 «Тонгги газета». Т/с.  
09.30 «Юрган - дарё».  
09.55 «Икким».  
10.00 «Комиссар Рекс». Т/с.  
10.50 «Қўзғоқ Шон». М/с.  
11.00 «Ахборот».  
11.10 «Опа-сингил Элиотлар». Т/с.  
11.55 «Ифтихор».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.00 «Усимликлар ҳаёти». Х/ф.  
13.45 «Ахборот».  
14.15 Болалар учун фильм.  
«Сехри кутубча». 6-қисм.  
15.25 «Икким».  
15.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
16.15 «Икким».  
16.20 «Йўла, Изла, Топ!»  
17.00 «Ахборот».  
17.10 «Сен ёлғиз эмсан».  
17.25 «Божий Тошкент».  
17.35 «Андерсен эртаклари».  
М/с.

18.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди».  
18.15 «Аёл ва замон».  
18.35 «ТВ - шифокор».  
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» /рус/.  
20.05 «Навойи бустонидан».  
20.10 «Опа-сингил Элиотлар». Т/с.  
21.00 «Ахборот».  
21.40 Эркин мазу.  
22.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди».  
22.15 «Шимол ва Жануб». Б/ф. 3-қисм.  
23.15 - 23.40 «Замин гаройиботлари».  
Х/ф.  
23.40 Курсатувлар дастури.  
23.45 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
00.30 «Божий Тошкент».  
00.40 «Аёл ва замон».  
01.00 «Ахборот» /рус/.  
01.30 ТелеТеатр: «Камир тоғайми дадажон». 3-қисм.  
02.10 «Йўла, Изла, Топ!»  
02.55 «Икким».  
03.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
04.00 «Ахборот».  
04.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орауси».  
05.10 «Шима».

## Ёшлар

06.00 «Ватан меҳри».  
06.10 «Тараннум».  
07.00 «Мультипанорама».  
08.00 «Кор алангаси». Т/с.  
08.40 «Ешик навалари».  
09.00 «Болалар саҳнаси».  
09.10 «Табдил тухфаси».  
09.50 «UzEx».  
10.00 «Давр».  
10.10 «Икки тақдир». Б/ф.  
11.30 «Табассум қил».  
11.40 «Хайр сўмоқлари».  
12.10 «Колумбо». Т/с.  
12.50 «Истиқлол қалқони».  
13.00 «Афсона ва ҳақиқат».  
14.00 «Фил ва малика». Т/с.

## Ўзбекистон

05.55 Курсатувлар дастури.  
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00 «Қушларнинг сирли ҳаёти».  
Х/ф.  
07.30 Миллий сериал: «Чемпионлик орауси».  
08.00 «Ахборот».  
08.40 «Тонгги газета». Т/с.  
09.25 «Хаммаси ҳаёт ҳақида».  
09.55 «Икким».  
10.00 «Комиссар Рекс». Т/с.  
10.50 «Қўзғоқ Шон». М/с.  
11.00 «Ахборот».  
11.10 «Опа-сингил Элиотлар».  
Т/с.  
11.55 «ТВ-шифокор».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.00 «Тезкор хабарлар».  
13.10 «Усимликлар ҳаёти». Х/ф.  
14.00 «Ахборот».  
14.15 Болалар учун фильм.  
«Сехри кутубча». 7-қисм.  
15.25 «Икким».  
15.30 «Шуақ азоби». В/ф. 1-қисм.  
16.00 «Раштатқалар». Ҳақвий тележурнал.  
16.30 «Ахборот» /инглиз/.  
16.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».  
17.00 «Ахборот».  
17.10 «Божий Тошкент».  
17.20 «Менинг боғим».  
17.35 «Андерсен эртаклари». М/с.  
18.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди».  
18.15 «Мен ва У».  
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» /рус/.  
20.05 «Навойи бустонидан».  
20.10 «Опа-сингил Элиотлар».  
Т/с.  
21.00 «Ахборот».  
21.40 Ватан химоячилари кунига.  
«Ўзбекистон ағона Ватан». 1-қисм.  
22.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди».  
22.15 «Шимол ва Жануб». Б/ф. 4-қисм.  
23.15 - 23.40 «Замин гаройиботлари».  
Х/ф.  
23.40 Курсатувлар дастури.  
23.45 «Рашт азоби». В/ф. 1-қисм.  
00.15 «Икким».  
00.20 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».  
00.40 «Ўзбекистон ягона Ватан».  
1-қисм.  
01.00 «Ахборот» /рус/.  
01.30 ТелеТеатр: «Жайдарми келин».  
1-қисм.  
02.20 «Хаммаси ҳаёт ҳақида».  
02.45 «Менинг боғим».  
03.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
04.00 «Ахборот».  
04.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орауси».  
05.10 «Мен ва У».  
05.40 «Икким».  
05.45 - 05.55 «Божий Тошкент».

## Ёшлар

06.00 «Ватан меҳри».  
06.10 «Тараннум».  
07.00 «Мультипанорама».  
08.00 «Кор алангаси». Т/с.  
08.40 «Ешик навалари».  
09.00 «Болалар саҳнаси».  
09.15 «Табдил тухфаси».  
09.50 «UzEx».  
10.00 «Давр».  
10.10 «Икки тақдир».  
11.30 «Табассум қил».  
11.40 «Хайр сўмоқлари».  
12.10 «Колумбо». Т/с.  
12.50 «Истиқлол қалқони».

14.50 «Бола бошидан».  
15.00 «Мультипанорама».  
15.20 «Динозаврлар сайёраси».  
15.50 «UzEx».  
16.00 «Давр».  
16.10 «Гумбаз остида». Т/с.  
17.00 «Мардик мактаби».  
17.10 «Давр мазуси».  
17.30 «Симладаги муҳаббат». Б/ф. 1-қисм.  
18.50 «UzEx».  
19.00 «Давр».  
19.30 «Қиш сонатаси». Т/с.  
20.20 «Ешик навалари».  
20.40 «Соғлом бола йили».  
20.50 «Эртаки болажонлар».  
21.10 «Гумбаз остида». Т/с.  
22.00 «Давр».  
22.30 «Қилин қирқ ёриб». Т/с.  
23.20 «Армия - эл руҳи».  
23.30 «Хайр-мамот». Т/с.  
00.10 «Муъжизавий дунё».  
01.10 «Афсона ва ҳақиқат».  
02.00 «Хайр сўмоқлари».  
02.30 «Шарк гаҳвар».  
03.00 «Илҳом қанотлари».  
03.40 «Нукта назар».  
04.20 «Ешлар мазуси».

18.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди».  
18.15 «Аёл ва замон».  
18.35 «ТВ - шифокор».  
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» /рус/.  
20.05 «Навойи бустонидан».  
20.10 «Опа-сингил Элиотлар». Т/с.  
21.00 «Ахборот».  
21.40 Эркин мазу.  
22.00 «Қўнғил қўшиқ истаиди».  
22.15 «Шимол ва Жануб». Б/ф. 3-қисм.  
23.15 - 23.40 «Замин гаройиботлари».  
Х/ф.  
23.40 Курсатувлар дастури.  
23.45 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
00.30 «Божий Тошкент».  
00.40 «Аёл ва замон».  
01.00 «Ахборот» /рус/.  
01.30 ТелеТеатр: «Камир тоғайми дадажон». 3-қисм.  
02.10 «Йўла, Изла, Топ!»  
02.55 «Икким».  
03.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
04.00 «Ахборот».  
04.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орауси».  
05.10 «Шима».

## Ёшлар

06.00 «Ватан меҳри».  
06.10 «Тараннум».  
07.00 «Мультипанорама».  
08.00 «Кор алангаси». Т/с.  
08.40 «Ешик навалари».  
09.00 «Болалар саҳнаси».  
09.10 «Табдил тухфаси».  
09.50 «UzEx».  
10.00 «Давр».  
10.10 «Икки тақдир». Б/ф.  
11.30 «Табассум қил».  
11.40 «Хайр сўмоқлари».  
12.10 «Колумбо». Т/с.  
12.50 «Истиқлол қалқони».  
13.00 «Афсона ва ҳақиқат».  
14.00 «Фил ва малика». Т/с.

13.00 «Давр».  
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».  
14.00 «Фил ва малика». Т/с.  
14.50 «Мультипанорама».  
15.00 «Мультипанорама».  
15.25 «Динозаврлар сайёраси».  
15.50 «Гумбаз остида». Т/с.  
16.00 «Давр».  
16.10 «Гумбаз остида». Т/с.  
17.00 «Қўзғоқ Шон».  
17.30 «Симладаги муҳаббат». Б/ф. 2-қисм.  
18.50 «Соғлом бола йили».  
19.00 «Давр».  
19.30 «Қиш сонатаси». Т/с.  
20.20 «Ешик навалари».  
20.40 «Бахтли тасодиф».  
20.50 «Эртаки болажонлар».  
21.10 «Гумбаз остида». Т/с.  
22.00 «Давр».  
22.30 «Қилин қирқ ёриб». Т/с.  
23.20 «Истиқлол қалқони».  
23.30 «Хайр-мамот». Т/с.  
00.10 «Муъжизавий дунё».  
01.10 «Афсона ва ҳақиқат».  
02.00 «Қўзғоқ Шон».  
02.30 «Шарк гаҳвар».  
03.00 «Илҳом қанотлари».  
03.40 «Нукта назар».  
04.20 «Соғлом бола йили».  
04.30 «Ешлар ва таълим».

19.25 «Маърифат фидойилари».  
19.40 «Теле-маркет».  
19.55 «Уйларим».  
20.00 «Пойтахт».  
20.25 «Анонс».  
20.30 «Тошкентлар».  
20.45 «Кунун доирасида».  
21.00 «Мисли гаҳвар».  
21.15 «Обод шаҳрим». /Рус тилида/.  
21.30 «Теле-маркет».  
21.45 «Бизнес-пойтахт».  
21.50 «Қирол Сежон». Т/с. 100-қисм.  
22.30 «Пойтахт» /рус тилида/.  
22.50 «Профессионал».  
23.10 «Один прекрасный день».  
Х/ф.  
00.55 Курсатувлар тартиби.  
01.00 «Все о туризме».  
01.30 «Миссис Уинтерборн». Х/ф.  
03.10 «Уйларим».  
03.15 «Хайр-мамот». Т/с.  
03.20 «Менинг сўнгги тангоим».  
Б/ф.  
05.00 - 06.00 «Салом, Тошкент!»

## Спорт

06.00 «Хай

